

Набий алайҳиссаломнинг зийракликлари



07:00 / 22.12.2018 3233

Али розияллоҳу анҳу айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадрга борганларида у ерда икки кишини кўрдик. Бири Уқба ибн Муайтнинг мавлоси, бири эса қурайшлик бир киши эди. Қурайшлик қочиб кетди, лекин Уқба ибн Муайтнинг мавлосини тутиб олдик. Ундан “Неча кишисизлар?” деб сўрадик. У: “Жуда кўпчиликмиз”, деди. Мусулмонлар ундан қавмининг сонини аниқ айтишни талаб қилишди, ҳатто уришди. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб боришди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан “Қавмининг сони қанча?” деб сўрадилар. У яна: “Аллоҳга қасам, улар жуда кўп”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг сони қанчалигини айттириш учун ҳаракат қилдилар, у бош тортди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам “Улар қанча туя сўйишяпти?” деб сўрадилар. У: “Ҳар куни ўнтадан”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Улар

минг киши экан. Тахминан, ҳар юзта одамга битта туя сўйилади”, дедилар.

“Солиҳлар гулшани” китобидан